



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 11 ноябрь, № 243 (8305)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМАРҚАНД – ТУРКИЙ ТАМАДДУННИНГ ҚАДИМИЙ БЕШИГИ

Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан мазкур йиғилишда иштирок этиш учун Самарқандга Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан етиб келди.

латлар етакчилари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди. Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашувда олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Фаол ишбилармонлик алоқалари

инвестиция лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Бизнес ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича механизмлар яратиш ишларини тезлаштиришга келишиб олинди. Гуманитар алмашинув дастурларини, энг аввало, таълим, маданият ва кинематография соҳаларида фаол давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Ўзбекистон Президенти Шавкат

идам-маърифатни ривожлантириш, ислом олами мутафаккирлари меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишдаги алоҳида хизматлари учун олимлар, тадқиқотчилар, адиблар, шунингдек, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари тақдирланади. — Ушбу олий ордени Сизнинг ислом маърифатини кенг ёйиш, дунё миқёсида мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва бирдамлигини таъминлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш, ёшларни эзгулик руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматларингизнинг муносиб эътирофидир, — деди Шавкат Мирзиёев маросимда.

Резеб Таййип Эрдоғанга мукофотни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев топширди. Туркия Президенти буюк муҳаддис номидаги ордени олишдан бениҳоят мамнун эканини билдирди. — Хадис ва фикҳ илмининг чўккиси бўлган Имом Бухорий номидаги бу қимматли мукофотни олишдан улкан шараф ва ғурур туяман. Шавкат Мирзиёевни илк таниган пайтларимдан буён Имом Бухорий меросидан намуналар келтириб сўзлагани учун менда қардошимга фарқли бир ҳурмат-муҳаббат пайдо бўлган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Самарқандда илм даргоҳлари қурилди, Туркия ва Ўзбекистон олимлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу орденини халқларимиз ўртасидаги азалий ва абадий қардошлиқнинг, ҳамма соҳада ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг кучли рамзи сифатида қабул қиламан. Ўзим ва миллатим номидан бу юксак эътибор учун Ўзбекистон Президенти ва халқига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, — деди Резеб Таййип Эрдоған.

монларнинг ташрифи шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан қабул маросими ўтказилди. Самимий мулоқотда Самарқанд туркий тамаддуни қадимий бешикларидан бири бўлгани, бугун халқаро форумлар марказига айланиб бораётгани таъкидланди. Туркий миллатларнинг қадим маданияти, умумий аънава ва қадриятларини ўзда мужассам этган концерт дастури намойиш этилди. Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасидаги асосий тадбирлар 11 ноябрь куни бўлиб ўтади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» шiori остида ўтказилган саммит кун тартибидан иқтисодиёт, савдо, инвестициялар, транспорт, инновациялар, экология, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.



Шунингдек, саммитда Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов иштирок этади. Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрда ташкилотга аъзо дав-

самарали натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилди. Саноат, кимё тармоғи, фармацевтика, банк-молия, транспорт ҳамда логистика соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда қўшма

Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг тадбирларга бой дастури доирасидаги иккинчи учрашувини Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан ўтказди. Учрашувда давлатларимиз ўрта-

Туркий давлатларнинг Самарқанд саммити доирасида мазкур мукофотни топшириш маросими бўлди. Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат раҳбарининг ҳам Имом Бухорий ҳазратларига ҳурмати жуда юқори. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аллома мақбараси ёнида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Хадис мактаби ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда 2017 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида айтганида, Туркия Президенти «бу юксак минбардан Имом Бухорий ҳазратларининг мўътабар номи биринчи марта янгради» дея мамнун бўлган эди. Бу йил Президентимиз тақлифига кўра, Ўзбекистоннинг «Олий даражали Имом Бухорий» ордени таъсис этилди. Бу мукофот билан

Кечки пайт Туркий давлатлар етакчилари «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказида «Бокий шаҳар» мажмуасига ташриф бурди. Бу ерда олий мартабали меҳ-

З. ЖОНИБЕКОВ, Ф. ҲАСАНОВ, ЎЗА МУХБИРЛАРИ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ТУРКСОЙ тузилмаси ва фаолият кўрсатиш принциплари тўғрисидаги Шартномани (Олма-ота, 1993 йил 12 июль) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 8 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 9 ноябрда маъқулланган

ТУРКСОЙ тузилмаси ва фаолият кўрсатиш принциплари тўғрисидаги Шартнома (Олма-ота, 1993 йил 12 июль) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 ноябрь
№ ЎРҚ—802

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА АРХИВ ҲУЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, молиявий, солиқ ва статистика ҳисобот турларини қисқартириш, ҳужжатларни сақлаш ва давлат идораларига топшириш амалиётини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; юридик шахслар томонидан 2022 йил 1 январдан кейин ҳисобланган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги архив ҳужжатларини сақлаш ҳамда давлат ёки нодавлат архивларига топшириш мажбурияти бекор қилинад;

юридик шахслар 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат солиқ хизмати ва статистика органларига электрон тарзда топширилган молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботларини, шунингдек, солиқ органининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатларни сақлаш ҳамда давлат ёки нодавлат архивларига топшириш мажбуриятидан озод этилади;

2023 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни солиқ ва статистика органларига хар чоракда тақдим этиш талаби бекор қилинад;

(Давоми 2-бетда).

«ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИ КўҲНА ВА НАВҚИРОН ШАҲАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭЪТИРОФГА МОЛИК»

Шу йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотининг саммити бўлиб ўтаётгани ва Ўзбекистоннинг мазкур халқаро тузилмага раисликни бошлаб бериши хорижий мамлакатлар эксперт-таҳлил доиралари ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Самарқанд саммити олдиндан хорижий мамлакатлар эксперт ҳамжамиятлари вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва оммавий ахборот воситалари саҳифаларида эълон қилинган хабар-мақолалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Дунё нигоҳи

Покистонда фаолият кўрсатадиган «Tranzum Courier Service – TCS» транспорт-логистика компанияси раиси Халид Аван ТДТ Самарқанд саммити олдиндан ўз фикрларини баён этар экан, Покистон Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Самарқандда ўтаётган муҳим халқаро тадбир — Туркий давлатлар ташкилоти саммитини зўр мамнуният билан кузатётганини маълум қилди. У ШХТ аъзо дав-

латлари раҳбарларининг яқинда муваффақиятли ўтган Самарқанд саммитидан кўп вақт ўтмай Туркий давлатлар ташкилотининг саммити ҳам ушбу кўҳна ва навқирон шаҳарда ташкил этилгани эътирофга моликлигини таъкидлади.

Экспертнинг айтишича, ишбилармон доиралар, айниқса, йирик транспорт компаниялари, шу жумладан, Покистоннинг «Tranzum Courier Service – TCS» компанияси учун ҳам ТДТ саммити кун тартибидан илгари сурилатган ташаббуслар жуда муҳим эканлигини маълум қилган.



Янги Ўзбекистонда янгича меҳнат муносабатлари шаклланиб, янада раўнақ топмоқда



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Сўнгги йилларда жамият ҳаётида касаба уюшмаларининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Улар томонидан ишчи-ходимлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳамда уларнинг фарзандларини, кексаларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириллаётди.



Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари кенг нишонланаяпти, ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат жамоаларида санага бағишланган турли маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Хусусан, бугунгача 25 мингдан ортиқ бошланғич таълим муассасаларида, 11 миңдан ортиқ таълим муассасаларида истиқомат қилувчилар учун байрам тадбирлари ўтказилиб, улар моддий-маънавий қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маълумотларига кўра, республикадаги Мурувват ва Саховат уйларида ишлаётган 4 762 нафар ходим ва ушбу муассасаларда истиқомат қилувчилар учун байрам тадбирлари ўтказилиб, улар моддий-маънавий қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маълумотларига кўра, республикадаги Мурувват ва Саховат уйларида ишлаётган 4 762 нафар ходим ва ушбу муассасаларда истиқомат қилувчилар учун байрам тадбирлари ўтказилиб, улар моддий-маънавий қўллаб-қувватланди.

Ислохот

Инсон қадрини улуғланган юрт

Мамлакатимизда ҳар соҳада янгиликлар ва туб ислохотлар рўй бермоқда. Хусусан, касаба уюшмалари тизимида ҳам.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши томонидан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни, нурунийлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш доимий диққат-эътиборда. Биргина "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастури доирасида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида 475 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдамлар кўрсатилгани фикримиз далилидир.

Дарҳақиқат, эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар, меҳнат жамоаларидаги ходимларнинг фарзандларини ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш, нурунийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари оилаларидан хабар олиш мунтазамлик касб этган. Жорий йилда 3 миң нафарга яқин ишчи-хотимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилди. "Янги Ўзбекистон — янги Касаба уюшмалари!" ғояси асосида бошланғич таъкилотларда турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилдики, бу, ўз навбатида, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини қарор топширишга хизмат қилаётди.

Қолаверса, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастурини амалга ошириш мақсадида юртимизнинг диққатга сазовор жойларига қарий 17 миң нафар ходим ва улар оила аъзоларининг саёҳати уюштирилди, 10 миңдан зиёд ишловчи ходимлар эса театр ҳамда музейларга олиб борилди.



Бундан ташқари, жорий йилги ёз мавсумида Қорақалпоғистондаги стадионлар оромгоҳларда 7 миң 485 нафар бола дам олдирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "Биз бир элмиз, бир халқимиз, янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!" ижтимоий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида 2 426 нафар бола ёз мавсумида вилоятлардаги сўлим оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудидида бўлгани каби, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини маҳаллабай ўрганиш йўлга қўйилгани катта самара бермоқда. Босиб ноёб тизим ҳар бир маҳаллага кириб бориш ва шу орқали фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиш имкониятини берди.

Оролбўйида Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни байрами кенг нишонланмоқда. Жойларда "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" ғояси остида маданий тадбирлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирларда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари, мазкур жараёнларда касаба уюшмаларининг иштироки, ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлар, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ишлар алоҳида эътибор этилиб, меҳнаткашлар, фаоллар ҳамда соҳа фахрийлари муносиб тақдирланмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу сайёҳат-ҳаракатлар, чора-тадбирларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги, қолаверса, инсон қадрини улуғлашга оид хайрли амалларнинг янги босқичга чиққанлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси, сенатор.

ФАКТ ВА рақамлар

- Жорий йилда касаба уюшмалари иштирокида тузилган тармоқ келишувлари сони 110 тадан 117 тага ортиди;
- корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда 111 миң 789 та жамоа шартномаси амал қилаётгани ҳолда, улар орқали турли соҳа меҳнаткашларининг манфаатлари қамраб олинди;
- жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда 1 нафар ходимга йил давомида сарфланган маблағ микдори 6 миллион 410 миң сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 йилдагига нисбатан 26,6 фоизга ошган;
- республика бўйича 18 811 та корхона таъкилотда жамоа шартномалари асоси-

- да ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициенти кўтарилган бўлиб, бу орқали 915 840 нафар ходимнинг иш ҳақлари оширилишига эришилди ва бу жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган жами ходимларнинг 20 фоизини ташкил этади;
- тузилган жамоа шартномаларининг 105 777 тасида, яъни 94,6 фоизиди, ходим билан меҳнат шартномасини иш бериучи ташаббусига кўра бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини, албатта, олиш талаби киритилган;
- жорий йилнинг ўтган даврида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан 800 га яқин корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида иш бериувчиларга 500 дан ортиқ тақдимномалар киритилган. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан 63 фоиз тақдимномаларда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилишига эришилди.



Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда республикамизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг иштирокида турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар амалга ошириллапти. Бу ислохотлар энг кўйи тизимларда ҳам кенг жорий этилгани қувонарли, албатта.

Дил сўзи

Жумладан, "Анджон сув таъминоти" МЧЖ касаба уюшмаси ишчи-хизматчиларнинг ҳаққий ҳимоясига ва манфаатлари йўлидаги қалқонга айланган. Айтиш мумкин, 1500 нафардан зиёд аъзолари мавжуд бўлиб, уларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича муайян дастур ишлаб чиқилган. Унга биноан ҳар бир ходимнинг меҳнат шароити, дам олиш ва саломатлигини тиклаш борасидаги имтиёзлари муҳофазаланган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мўбайида 14 нафар ходимга саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўланмалар берилди, 20 нафарга моддий кўмак кўрсатилди. Шунингдек, 15 нафар йиғит-қиз-

нинг олий таълим муассасаларидаги таълими учун шартнома-тўлов маблағи тўлаб берилди. Жамиятимиз касаба уюшмаси аҳолининг ижтимоий муҳофазасида ҳам фаол иштирок этаётди. Жумладан, кам таъминланган учта оилани доимий даромад манбаига эга қилиш мақсадида уларга 300 бош парранда, 30 бош қўй ажратилди, битта оилани тиклов машинаси олиб берилди. Умуман, касаба уюшмамиз томонидан жамият ишчи-хизматчиларини қўллаб-қувватлаш, қўлай меҳнат муҳитини яратиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Хуснидабону ИГАМБЕРДИЕВА, «Анджон сув таъминоти» МЧЖ касаба уюшмаси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИША ОЛАДИГАН МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 1 октябрь сониди эълон қилинган сўнгги мақола мақолатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, хусусан, АҚШ Меҳнат вазириликнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилгани мисолида бу каби таққирлар ечилишининг иқтисодий-сиёсий аҳамияти моҳирона очиб берилган.

Таҳлил

Албатта, бу тарихий воқеа Президентимизнинг сиёсий иродаси ва қатъий позицияси туфайли амалга ошди. Маълумки, "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон касабасига нисбатан 2009 йилда бойкот эълон қилинган эди. Орадан бир йил ўтган, коалициянинг ушбу чакирлиги 60 дан ортиқ компаниялар қўшилди. 2022 йилга келиб эса Ўзбек пахтасини бойкот қилган халқаро бренд ҳамда ритейлерлар сони 331 тага етди. Улар орасида "C&A", "Gap Inc.", "H&M", "Levi Strauss & Co.", "Tesco", "Walmart", "Nike", "Zara" каби дунё тўқимачилик бозорига етакчи бўлган йирик брендлар ҳам бор эди. Шу юрт фарзанди, қолаверса, бир таҳлилчи сифатида мени 12 йил давомида амалда бўлган чеклов ниманинг эвазига ёки қайси омилар тўғрисидаги ташвишлангани қизиқтириб қўйди. Шу боис мамлакатимизда глобал бойкотни енчиш йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар заنجирини ўрганиб чиқдим. Эътиборимни тортган жиҳат, кейинги беш йилликда халқаро алоқалар ривожлантирилиб, одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режалари муваффақиятли амалга оширилгани бўлди. Табиийки, бунда Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат депар-

таъминловчи ғоя сифатида пайдо бўлган. "Кластер" сўзининг луғавий маъноси "боғлам", "гурӯҳ", "тўплам" дегандир. Ушбу инновация усулининг афзаллиги шундаки, қишлоқ ҳужалиги сановатлашди, дала меҳнаткашлари ва сановат ходимларининг манфаатлари муштараклашди, экспортга хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар чиқарилади. Мамлакатимизда кластерлаштириш ҳаракати илк бор 2017 йилда тахриба тарихида бошланган. У дастлабки пайтлардаёқ афзаллигини амалда намойён этиб бошлагач, нафақат пахтачилик, балки иқтисодийнинг барча тармоғида кенг тарқиб қилина бошланди. Бугунги кунда юртимизда 134 та кластер пахтачилик билан шуғулланмоқда. Улар 2022 йил ҳосили учун 1 миллион гектардан ортиқ ерда ўзга парвариллашди. Бу пахтачилик тўлиқ хусусий секторга берилганини аналгизди. Шу билан бирга, айтиш жоизки, соҳанинг модернизация қилиниши туфайли пахтачилик тармоғида йилгилан қолган муаммолар ечилиши баробарида, деҳқончилик маданияти юксалтирилиши кўриш мумкин. Чунки жалб этилган чет эллик инвесторлар ишни, аввало, замонавий техникалар сотиб олиш, машина-трактор паркларини моддий-техника базасини янгилашдан бошлади. Қисқа муддатда кластерлар томонидан 5 миңдан ортиқ қурол унумли техникалар олиб келингани бунинг тасдиғидир.

Янги тузилма ўзининг афзалликлари ни аграр жабҳадига эмас, балки сановат тармоғида ҳам кенг намойён этяётгани диққатга сазовордир. Ҳўми кластерлар томонидан йирик тўқимачилик фабрикалари фойдаланишга топширилмоқда. Мавжуд кластерларнинг 41 тасида пахтачилик қайта ишлашнинг бешта босқичи



МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири, бу — ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришдир.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун Федерация томонидан касаба уюшмаси аъзоларининг талаб ҳамда тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнаткашларнинг мароқли дам олишлари учун қўлай шароитлар яратиш ва замонавий санаторийларни қуриш ишлари олиб борилаётган. Хусусан, жорий йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жаҳон стандартлари талаблари асосида нафас йўллари ва асаб тизими касалликларини даволашга ихтисослаштирилган 150 ўринли "Заркент" санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Янги санаторий иш бошлаши натижасида юздан ортиқ янги иш ўринлари очилди. Шу билан бирга, Фарғона вилоятининг Сўх туманида меҳнаткашларнинг фарзандлари учун 200 ўринли замонавий ва барча қўлайликка эга "Сўх" болалар соғломлаштириш оромгоҳи қурилиб, ишга туширилди. Бундай хайрли ишларнинг қўламини кенг, албатта.

дан 62 миң 405 нафари имтиёзли, 4 554 нафари бепул йўланмалар асосида соғломлаштирилди. Касаба уюшмалари томонидан нафақат меҳнаткашлар, балки нуруний отахон ва онахонлар ҳам тизимдаги санаторийларда соғломлаштирилди. Жорий йилда 345 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари тизимдаги санаторийларда саномастикларини тикланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар йили тасдиқланган Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Федерация дастури доирасида тизимдаги санаторийларда кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг аёллари,

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 180 ўринга мўлжалланган "Северсой" санаторийси қурилиб, жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Ушбу санаторийни Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни доирасида, анқироги, шу йил 12 ноябрь кўни фойдаланишга топшириш режалаштирилди.

Айтиш қилганда Сурхондарё вилоятининг Сарисоёқ туманидаги Сангардак қишлоғида, Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзотум туманида янги санаторийларни қуриш ва жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари тизимдаги санаторийларда жами 143 миңдан ортиқ кишилар дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Улар-

тибиёт соҳаси ходимлари ҳамда бефарзанд оилаларнинг ишлайдиган оила аъзолари учун ақциялар ташкил этилиб, улардан 500 нафарга яқини бепул йўланмалар билан соғломлаштирилди. Ўз навбатида, жорий йилда 5 387 нафар педагог бепул йўланмалар билан касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан дам олдирилиб, саломатликларини тиклашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Президентимиз олиб бораётган одилона сиебатни бундан кейин ҳам тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, Вананимиз тарраққиётига муносиб ҳисса қўлиш йўналишларидаги ишларни изчиллик билан амалга оширади.

Зеро, янги Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳада янги марраларни эгаллашга муносиб ҳисса қўиш касаба уюшмалари олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан биридир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Маъмур хизмати раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИША ОЛАДИГАН МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Бундан ташқари, жорий йилги ёз мавсумида Қорақалпоғистондаги стадионлар оромгоҳларда 7 миң 485 нафар бола дам олдирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "Биз бир элмиз, бир халқимиз, янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!" ижтимоий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида 2 426 нафар бола ёз мавсумида вилоятлардаги сўлим оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудидида бўлгани каби, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар, хусусан, хотин-қизлар муаммоларини маҳаллабай ўрганиш йўлга қўйилгани катта самара бермоқда. Босиб ноёб тизим ҳар бир маҳаллага кириб бориш ва шу орқали фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиш имкониятини берди.

Оролбўйида Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни байрами кенг нишонланмоқда. Жойларда "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" ғояси остида маданий тадбирлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу сайёҳат-ҳаракатлар, чора-тадбирларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги, қолаверса, инсон қадрини улуғлашга оид хайрли амалларнинг янги босқичга чиққанлигининг амалдаги ифодасидир.

Шухрат ТОҒАЕВ, АҚШнинг Колумбия университети докторанти.

Сенат қўмитасида

ВАЗИРЛИКЛАР АХБОРОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ



Кеча Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда Соғлиқни сақлаш ва Қурилиш вазирликларидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида аниқланган кам-чилик ва қонунбузилишларни бартараф этиш ҳолати юзасидан мазкур вазирликлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Мажлисида Соғлиқни сақлаш ва Қурилиш вазирликлари тизимда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, мажлис давомида ҳар икки соҳада ушбу йилда ижобий ишларга қарама-қарши, айрим муаммо ва камчиликлар ҳануз-гача сақланиб қолганлиги ҳам эътибор қаратилади.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳорижий кредит ҳисобига харид қилинган жиҳозларнинг аксарият қисми фойдаланишга топширилмаган. Врач қабулига масофадан туриб ёзилиш имконини берувчи "Электрон поликлиника" ахборот тизими 806 та тиббиёт муассасасида жорий этилмаган ҳамда жами 27 млрд. сўмлик давлат харидларида оид эълон тавсия ва қўрсатмалар берилди.

Яқунда қўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Қурилиш соҳасида ҳам бир қатор камчиликлар борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу жум-

ладан, қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришда ҳудудлар бош режасига риоя этмаслик, қурилиш объектлари бўйича қурилиш соҳасида назорат инспекциясига хабарнома бермаслик ва қурилиш сифати юзасидан таъсирчан давлат назорати ўрнатилмаганлиги каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Бундан ташқари, мажлисида қурилиш соҳасидаги бюрократчилик, лойиҳачи ва пудратчи томонидан объектлар қурилишда техника, муаллифлик ва ички назорат тадбирлари етарли даражада йўлга қўйилмагани, ушбу назоратни амалга ошириш тизими электрон рақамлаштирилмагани ҳамда назоратни амалга ошириш мuddатлари жорий қилинмагани ва ана бир қатор камчиликлар айтиб ўтилди.

Тадбирда ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсия ва қўрсатмалар берилди.

Яқунда қўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Семинар

ЯНГИЛАНГАН КОДЕКС СОҶАДАГИ БЎШЛИКЛАРНИ ТЎЛДИРАДИ

Навий вилоятда янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенатор Кобул Турсунов, Қонунчилик палатаси депутatlари Акшагул Тулеғенова, Уктам Исломов, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъул ходимлари иштирок этди.

Онлайн семинарда ҳудудлардан сайланган сенаторлар, халқ вакиллари, давлат ва нодавлат иш-тижорат ташкилотлари раҳбарлари, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат жами 700 дан ортиқ вакиллар қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, Меҳнат кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлатларнинг тажрибаси ўрганилган, лойиҳа Қонунчилик палатасида бир йил давомида чуқур таҳлил этилиб, маромига етказилган.

Мазкур Кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва яққа тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга ҳам имкон бериши алоҳида айтилди.

Уз навбатида, янги меъёрлар расмий ва норасмий тармоқда

мавсумий иш билан банд бўлганларнинг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солишдаги бўшлиқларни тўлдириш ва қарама-қаршиликларни бартараф этиши баробарида, меҳнат муносабатларида коррупция хавфини камайтириш ҳамда "Ягона миллий меҳнат тизими" рақамлаштирилишида қўл келиши таъкидланди.

Шунингдек, мазкур Меҳнат кодекси соҳадаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридagi вазиятни инобатга олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қўнғий ҳал этишда, ишлаган ишга, иш бевуви эса киритган сармоясига муносиб тарзда эътибор ва рағбатга эга бўлишини кафолатлайдиган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар ва соҳа мутахассислари иштирокчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб берди.

«Халқ сўзи».

ҲУЖЖАТ МАЗМУН-МОҶИЯТИ КЕНГ ТУШУНТИРИЛДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида юртимиз бўйлаб тарғибот-тушунтириш тадбирлари, семинарлар ўтказмоқда.

Тадбир

Ана шундай семинарлардан бири Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов қатнашди ва янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда янги иш

ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Меҳнат қонунчилигининг асосий йўналишлари белгиланган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг аҳамияти назарда тутилган нормалар ўз аксини топган.

Шунингдек, ижтимоий шериклик иштирокчиларининг мажбуриятлари ва ваколатлари, уларнинг жамоавий муносабатлари олиб бориш тартиби белгилаб берилди. Давоғарлар орасидан малакалари ошширилари ташлашда иш бевуви-чининг имкониятлари кенгайтирилди. Қайта ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилди. Қолаверса, ходимларнинг мажбурий тиббий куриқдан ўтиш харажатлари компенсация қилиниши белгиланди.

Бундан ташқари, битта ташкилотда кўп йиллик иш стажини кўшимча таътил бериш тартиби жорий қилинмоқда. Иш бевуви томонидан хизмат тегишлиларини ўтказиш ва ишдан четлаштириш тартибга солинмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий тушунчалари ва механизмларига ("меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори", "иш ҳақи таркиби", "иш ҳақи тизимлари", "рағбатлантириш ва компенсация тўловлари", "туман коэффициентлари бўйича устамалар" ва бошқалар) аниқлик киритилди.

Қайд этилганидек, иш бевуви-чининг иш ҳақини кечиктириш учун жавобгарлиги (кечиктирилган ҳар бир кун учун қайта молиялаш

ставкасининг 10 фоизи миқдорида) белгиланди. Шу билан бирга, ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш бевуви-чининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси чиқариб ташланди.

Семинарда Кодекснинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш бўйича ишларни тизимли равишда ташкил этиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодийни либераллаштириш, мамлакатда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, ҳорижий ва маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Фикр

Иқтисодий ислохотлар марказига инсон манфаати қўйилгани, иқтисодийни ислох қилиш ва жамиятни либераллаштириш борасидаги харажатлар тизимли равишда давом эттирилаётгани тўғрисида бугун жамиятда янги ўзбекистонга қизиқиш ва эътибор, мамлакатимизнинг куч ва имкониятларига бўлган ишонч тобора ортиб бораётган.

Масалан, Ўзбекистон "яшил иқтисодиёт"га ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича яхши кўрсаткичларга эга бўлиб бораётгани ва бу жарағна хусусий сектор ҳам фаол жалб қилинаётгани халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф

этилмоқда. Бу натижалар замирида эса давлатимиз раҳбарининг ўзоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати мўжасамдир.

Қадимий ва бетакрор Самарқанд шаҳрида шу йил 3-4 ноябрь кунлари "Инсон манфаатларини иқтисодий ислохотларнинг бош мазмунига айлантириш" мавзусида ўтказилган II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми ҳам қўллаб иштирокчиларни бир жойга жамлагани билан аҳамиятли бўлди.

Форум ўндан ортиқ сессияларда ўз ишнини давом эттириди ва уларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида олиб борилаётган фаол иқтисодий ислохотлар, қулай инвести-

циявий муҳит, ижтимоий сиёсат ҳақида фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон ва халқаро молия идоралари билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар, ҳамкорликнинг келгуси истиқболлари муҳокамадан ўтказилди.

Бу йилги анжуманнинг асосий мулоқот мавзуси айни шу масалага бағишланган ҳам беҳиз эмас. Айниқса, дунёда давом этаётган мураккаб пандемия ва глобал иқтисодий инқироз оқибатлари, турли нотинчликлар ва зиддиятлар фондида юзага келаятган озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳар қанчидан ҳам муҳим.

Чунки бугун дунёда кузатилаётган мураккаб шароит ва ноаниқ вазият юзага чиқараётган масалаларни фақат ҳамжиҳатликда, ҳамфикрликда ҳал этиш мумкин. Ушбу форум эса халқаро тузилмалар, ҳамкорларимиз билан бу борадаги чора-тадбирларни белгилаб олиш учун қулай имконият яратди. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмалар инвестициялар

банки сингари нуфузли ташкилотлар вакиллари ва салоҳиятли инвесторлар қатнашгани форум ишнинг янада самарали бўлишига хизмат қилди.

Аниқроқ айтганда, мазкур анжуман иштирокчилари янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришиб, шериклик алоқаларимизни янада кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшди.

Умуман олганда, ушбу форум нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи ҳорижий компаниялар ва танқиди экспертлар иштирокида бу борадаги илғор лойиҳаларни муҳокама қилиш ҳамда биргаликда умумий харажатлар режасини ишлаб чиқиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилди. Зотан, қўламдор иқтисодий ислохотлар орқали мавжуд ижтимоий муаммоларга ечим топиш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш мумкин.

Ботирбек ТЎРАЗОДА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТИББИЙ СУҒУРТАНИНГ БЕМОРЛАРГА ҚАНДАЙ НАФИ ТЕГМОҚДА?

Сирдарёда жорий йилнинг ўтган даврида давлат тиббий суғуртаси ёрдами билан, имтиёзли тоифага кирувчи 66 нафар фуқарода юрак коронар қон томирлари билан боғлиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилди. Сирдарё вилоти соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотига кўра, ушбу амалиётлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилоти минтақавий филиалида маҳаллий хирурглар томонидан амалга оширилди.



Саломатлик

— Харажатлар давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди, — дейди мазкур жамғарманинг Сирдарё вилоти ҳудудий бўлими бош мутахассиси Дилором Эргашева.

Айтиш ўринлики, аввал пойтахт ёки ҳорижда бажарилган, кўп харажат талаб этадиган, юрак-қон томир, кўз ва инсоннинг бошқа аъзолари билан боғлиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилотида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, унда белгиланган вазифалар ижроси доирасида давлат соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги қатор даволаш муассасаларида йўлга қўйилди.

Натижада кўп вақт ва маблағ сарфлаб узоққа боришга ҳожат қолмади. Қолаверса, давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этилиши натижасида ижтимоий аҳоли оғир, имконияти йўқ фуқаролар жамғарма ёрдами билан оғир асоратли, каттагина маблағни талаб этувчи касалликлардан юқори технологик жарроҳлик амалиётларидан сўнг тез ва осон, харажсиз фориғ бўлмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиалида жамғарма ёрдами билан 400 га яқин фуқароларда ана шундай жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, Гулистон тиббиёт кластерининг невротравматология бўлимида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт мар-

кази малакали мутахассислари билан «Устоз — шогирд» аъёналари асосида чанқосон суягининг емирилиши билан боғлиқ эндопроtezлаш амалиётлари амалга оширилди. Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси мутахассислари томонидан мониторинг қилиниб, харажатлар жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри, Зарбдор ва Шароф Рашидов (1-лот), Дўстлик (2-лот), Арнасой, Бахмал, Фаллаорол, Зафаробод, Зомин, Пахтакор, Мирзачўл, Фориш ва Янгиобод (3-лот) туманларида машиий қичқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳалари юзасидан қизиқиш билдириш учун эълон.

хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тасдиқланган давлат-хусусий шериклик лойиҳа концепциялари потенциал давлат шериги (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) ҳамда ваколатли давлат органи (Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги) томонидан маълум қилиш мақсадида ўзининг расмий веб-сайтида қирқ беш календарь кун мuddатда эълонга жойлаштирилди.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган томонлар ўзларининг қизиқиши учун

сўровларини 2022 йил 26 декабрь кuni, Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига топширишлари лозим.

Қизиқиш билдириш учун тасдиқланган сўров формаси ва ҳужжатлар (ҳисоботлар) тўлиқ ҳамда ўз вақтида тақдим қилинмаган тақдирда берилган таклифлар рад этилади.

Масъул ходим: Ж. Жалилов. E-mail: info@nature.uz Веб-сайт: www.eco.gov.uz

Куйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёкдор шоҳрўкчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: 71-207-07-70 (1072# 5003#), 93-501-19-00, 99-016-17-56.

Юридик ва жисмоний шахслар ДИҚҚАТИГА!

"Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ (СТИР: 200230792) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сонли "Энергетика вазирлиги ҳузурда "Миллий диспетчерлик маркази" давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори, "Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ акциядорларининг 2022 йил 27 июндаги умумий йиғилиши қарори, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга қўшиб олинаётган 12 та ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорларининг 2022 йил 12 октябрдаги қўшма умумий йиғилиши қарори ва "Ҳудудий

электр тармоқлари" АЖнинг 2022 йил 24 октябрдаги 10.1-сонли бошқаруви қарорига асосан "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга қўшиб олинаётганлиги ва "Андижон ҳудудий филиали" этиб қайта ташкил қилинаётганлигини билдирдим.

Жамият қайта ташкил этилаётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, "Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга ўтишини маълум қиламиз.

Юридик манзил: Андижон вилоти, Андижон шаҳри, А. Ҳайдаров кўчаси, 53-уй. Почта манзили: Андижон вилоти, Андижон шаҳри, А. Ҳайдаров кўчаси, 53-уй.

РЕКЛАМА

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 920 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов. Мусахҳиҳ — С. Исламов. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.58 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6